*Ватан севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 30 июнь, чоршанба № 120 (21.471).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## 1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 11.250 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,5 баравар оширилсин;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 11.250 сўм миқдорида;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 12.185 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари 1,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни оширишга мазкур фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқлаб, иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг 25 фоизи бюджет муассасалари ва ташкилотларининг сметалар бўйича умумий харажатларини қисқартириш ҳисобидан таъминланишини назарда тутсин.

4. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини жорий этиш ва меҳнат ҳақини ошириш, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки, тижорат банклари Пенсия жамғармасини, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни йиллик уч фоиздан ошмайдиган тўлов шарти билан зарур мақсадли кредит маблағлар билан таъминласинлар.

5. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур фармонга мувофиқ пенсияларнинг миқдорларини қайтадан ҳисоблаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки республика корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чораларни кўрсин.

8. Ушбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июнь.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА КЕНГАШ



СУРАТДА: кенгаш пайтидан лавҳалар.

А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

29 июнь куни Тошкентда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари иштирок этди.

Кенгашда Республика Президенти Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Ўзбекистоннинг Россия, Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатлари, молия, банк тизими, миллий валюта масалалари хусусида батафсил сўзлаб берди.

Кенгаш ишида республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов қатнашди. **(ЎзА).**

### «1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

### *Ш А Р Ҳ*

Фуқароларнинг, айниқса кам даромадли кишиларнинг, пенсионерлар, талабалар, ўқувчиларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлашга ниҳоятда муҳим аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдорлари, пенсиялар ва стипендиялар 1,5 баравар оширилди.

Аниқ иқтисодий вазиятни ва ягона «рубль» минтақаси шароитида МДҲ мамлакатларида пулнинг қадрсизланиши юксак даражада эканлигини эътиборга олиб, бизнинг республикамизда 1992 йилдан буён индексация воситаси қўлланиб келинмоқдаки, бу иш ҳақининг энг оз миқдорлари, пенсиялар, стипендияларни вақти-вақти билан энг оз миқдорлари билан қайта кўриб чиқишга ва меҳнат ҳақи миқдорларини оширишга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақининг энг оз даражаси ойига 11.250 сўм миқдорида белгиланади, ваҳоланки, Россия Федерациясида бу кўрсаткич 4275 сўмни, Қозоғистонда — 4500 сўмни, Арманистонда — 3000 сўмни, Беларусда — 6600 сўмни, Туркманистонда — 9600 сўмни ташкил этади.

Иккинчи малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи устама ва қўшимча ҳақларни қўшмасдан ҳисоблаганда тахминан 31.000 сўмни ташкил этади ёки 11.000 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги шифокорнинг ўртача ойлик иш ҳақи тахминан 37.000 сўмни ташкил қилади ёки 12.200 сўм кўпаяди.

Барча турдаги пенсиялар 1,5 баравар оширилади, бунда меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 12.185 сўм қилиб белгиланади.

Россия Федерациясида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 8.122 сўм, Қозоғистонда — 4500 сўм, Арманистонда — 3000 сўм, Беларусда — 8.250 сўм, Туркманистонда — 9.600 сўм.

Пенсия миқдори ўртача ҳисобда ойига 6.040 сўм кўпаяди ва ойига 18.100 сўмни ташкил қилади.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 1,5 баравар оширилмоқда.

Бунинг натижасида олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари ўртача ҳисобда 9.090 сўмни, техникумлардаги ўқувчиларнинг стипендиялари 7.065 сўмни ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчиларнинг стипендиялари 5.915 сўмни ташкил қилади. Бунда улар учун талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақланиб қолинади. Шундай қилиб талабаларнинг умумий даромади ойига 10.310 сўмни, техникум ўқувчиларининг умумий даромади 8.960 сўмни ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг умумий даромади 7.520 сўмни ташкил этади.

Шуни назарда тутиш керакки, бюджет муассасаларида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларнинг 25 фоизи ана шу муассасаларнинг умумий харажатларини қисқартириш ҳисобидан қидириб топилиши керак.

Ушбу фармонда кўзда тутилган бюджет ташкилотларида иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни оширишга сарфланадиган харажатлар ойига салкам 45 миллиард сўмни, шу жумладан бюджет ҳисобидан 20 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

## ОЛИМА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида ўтказилган илмий-амалий конференция Х. Сулаймонова ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланди. Унда юридик фанлари доктори, профессор Ғ. Аҳмедов олим, давлат ва жамоат арбобининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳамда унинг Ўзбекистонда юридик фанни ривожлантиришда тутган ўрни тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жаҳон муаммолари институтининг директори вазифасини бажарувчи, юридик фанлари доктори А. Саидов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, фалсафа фанлари доктори А. Валиев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Искандаров, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори, фалсафа фанлари доктори М. Хайруллаев ва бошқалар олима ва давлат арбобининг инсоний сифатлари, меҳнат фаолияти билан боғлиқ жонли таассуротларини сўзлаб бердилар.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев ва бўлим мудири З. Давронов иштирок этди.

**И. АҲМЕДОВ.**

Қарши («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Бу ерда ҳам академик Х. Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Хадича Сулаймонованинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида Қашқадарё вилояти хўжалик суди ва ҳуқуқшунослар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист М. Х. Турсунов маъруза қилди.

Конференцияда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Р. Мамадиев, вилоят адвокатлар ҳайъати раиси Ф. Салиев, Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси, меҳнат фахрийси О. Турсунов, Х. Сулайманова номидаги суд экспертизаси илмий-текшириш институти Қарши филиали бошлиғи Ф. Узоқов ва бошқалар атоқли олима, давлат ва жамоат арбоби ҳақидаги хотиралардан сўзлаб бердилар.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов ва вилоят ҳокими ўринбосарлари Х. Раҳмонов, Қ. Тўйчиев қатнашдилар.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

## ЭКОСАН АМЕРИКАДА

**Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси (ЭКОСАН) жаҳон майдонига чиқди. Кўпгина мамлакатларда унинг ваколатхоналари очилмоқда. Яқинда АҚШнинг Аризона, Колорадо, Техас ва Мичиган штатларида, шунингдек АҚШнинг энг асосий шаҳарлари — Вашингтон ва Нью-Йоркда ҳам ЭКОСАН ваколатхоналари очилди.**

**ЭКОСАН жамғармасининг президенти профессор Ю. Шодиметов билан республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Коноховнинг Америкага ташрифи натижаларидан бири ана шундай. Ўзбекистон вакиллари Марказий Осиё давлатлари экология ташкилотлари раҳбарлари гуруҳи таркибида эди. Улар АҚШнинг ЮСИА ахборот агентлиги таклифига биноан 22 майдан 20 июнга қадар Қўшма Штатларда бўлдилар.**

**(ЎзА мухбири).**

## АКАДЕМИЯ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

**Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими очилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов академия раёсатининг шу ҳақдаги қарорига имзо чекди.**

У мазкур бўлим қошида Зарафшон минтақаси илмий муаммоларини атрофлича ўрганиш институти очилишини ҳам маълум қилди. Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти кафедра мудири, Ўзбекистон фанлар академияси мухбир аъзоси Т. Ширинқулов академия бўлими раиси этиб сайланди.

Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов йиғилишда сўзга чиқиб, академиянинг Самарқанд бўлими илм-фанни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади, қадимий анъаналарни давом эттиради, деб умид билдирди.

**(ЎзА).**

## ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Гулистон Давлат дорилфунунида бир гуруҳ таниқли адиблар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, адабиётшунос олимлар Озод Шарофиддинов ва Бегали Қосимов истиқлол мафкураси, мустақиллик йўлида қурбон бўлган Беҳбудий, Фитрат ва Чўлпонлар ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Ёш ижодкорларнинг «Истеъдод» жамғармасини тузиш ҳамда уларни уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги қарорлар вақтида қабул қилинганини таъкидладилар.

**(ЎзА мухбири).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк давлат асосчиси, Шарқнинг улуғ саркардаси, илм-фан ташкилотчиси ва ҳомийси, миллий маданият ва меъморчилик санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шавкатли бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур хотирасини абадийлаштириш мақсадида, республика жамоатчилиги, ижодий ташкилотлар, олимлар, ёзувчилар ва зиёлиларнинг ҳоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкали ўрнатилсин.

2. Амир Темур ҳайкалини яратиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ёдгорлик мажмуини лойиҳалаш, яратиш ва қуриб битказиш билан боғлиқ барча ишларни шу йилнинг 25 августигача тўла тугаллаш таъминлансин.

4. Собиқ Инқилоб хиёбонига Амир Темур номини бериш ҳамда шу хиёбонни ёдгорлик мажмуи моҳиятига мувофиқ равишда таъмирлаш ва тиклаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таклифи қабул қилинсин.

5. Ёдгорлик мажмуини бунёд этиш билан боғлиқ асосий сарф-харажатлар ташкилий қўмита таклифи асосида Вазирлар маҳкамаси заҳирасидан ажратилсин. Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Наврўз», Шароф Рашидов жамғармалари, бошқа ташкилотлар, идоралар, айрим фуқароларнинг ёдгорлик мажмуини тиклашда ўз маблағлари билан иштирок этиш ҳақидаги таклифлари эътиборга олинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М. Қорабоев ва К. Тўлаганов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июнь.

**(Ташкилий қўмита рўйхати иккинчи бетда эълон қилинмоқда).**

*• ХДП ҳаётидан •*

## ТАШАББУС ТУҒИЛДИ

**Ўзбекистон ХДП Қизилтепа туман кенгаши учун ўтган давр ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиш даври бўлди. Ташкилотчилик ва ташаббускорлик эвазига Халқ демократик партияси аъзолари сон ва сифат жиҳатидан ўсди. Айни пайтда туман кенгашига бирлашган 77 та бошланғич партия ташкилотларида 2758 нафар ХДП аъзолари бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида актив фаолият кўрсатишаяпти. Туман кенгашининг амалий фаолияти, омма орасига дадил кириб бориши туфайли партия аъзолари сони собиқ КПСС давридагидан ҳам ошиб кетди. Хўш, бунга қандай эришилди?**

— Кенгашимиз халқ орасида кенг қамровли ишларни, юзма-юз мулоқотларни йўлга қўйгани боис одамлар бизга эргашаяпти, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Нормурод Исоқов. — Бунинг эса ўзи бўлмайди. Биз Ўзбекистон ХДП Ҳаракат Дастури, Низоми талаблари, Марказий Кенгаш ижроия бюроси ва пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган қоида ҳамда хулосалар асосида ишимизни ташкил этаяпмиз. Бу эса муваффақиятлар мезони бўлмоқда. Одамлар қалбига йўл топиш, бозор муносабатлари даврида уларни ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш сингари хайрли ишлар кенгашимиз обрўси ва нуфузини оширмоқда.

Дарҳақиқат, туман кенгашининг амалий фаолияти ҳам, кишиларга нисбатан ғамхўрлиги ҳам мақтовга арзигулик. Бу ўринда кенгашнинг туман ҳокимлиги билан бўлган яқин ҳамкорлигини ҳам алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Худди шу яқинлик амалий хатти-ҳаракатларда жуда асқотмоқда. Масалан, яқинда кенгаш ва ҳокимлик ташаббуси билан районда «Меҳр-мурувват ва рағбат» жамғармаси ташкил этилди. Тез орада жамғармага кўпгина маблағлар тушди.

Айни кезда шу маблағлар эвазига ёлғиз ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ва касалмандларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти. Бу ўринда кенгашга уюшган бошланғич партия ташкилотлари амалий кўмагини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Туманда бирор бир ташаббус туғилмасдан, албатта бу хайрли иш бошланғич партия ташкилотларида бошланади. Яқинда бошланғич партия ташкилотларининг тавсиясига кўра кам даромадли бўлган Жумагул Шерқулова ва Эсон Жумаевлар хонадонларига бепул табиий газ ўтказиб берилди. Унга кетган харажатларни Навоий номли жамоа хўжалиги ва «Тавоис» давлат хўжалиги бошқаруви ўз зиммасига олди.

Бу сингари ташаббуслар давом этмоқда. Масалан, «Бўстон» ижара хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан Саид Паноҳ номли махсус мактаб-интернатда Ойбек ва Улуғбек Эрназаровларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Тўй баҳонасида мактаб-интернатга район ташкилот ва муассасаларидан 200 минг сўмлик маблағ тушди. Корхоналар жамоаси мактабга совға тарзида янги телевизор олиб беришди. Бу сингари ташаббусларни, хайрли ишларни яна кўплаб санаш мумкин. Ташаббус ва ташкилотчиликда айниқса «Меҳнат — роҳат» жамоа хўжалигидаги «Оқсоч» ҳудудий партия ташкилотини (котиби Шуҳрат Мардонов), «Зарметан» жамоа хўжалигидаги «Зарметан» ҳудудий бошланғич ташкилотини (котиби Асад Шарипов), туман газлаштириш идораси бошланғич ташкилотини (котиби Узоқ Умиров), автомобиль йўл қурилиш бошқармаси партия ташкилотини (котиби Рустам Ҳошимов) намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Мазкур партия ташкилотларида булардан ташқари аъзоликка қабул, аъзолик бадалларини йиғиб, топшириш, партиявий интизом масалалари ҳам қатъий тартибда йўлга қўйилган. Хуллас, ХДП Қизилтепа туман кенгаши ўз мавқеи ва обрўсига эга. Буни ташаббуслар туғилаётганидан, фуқаролар ижтимоий ҳимояланаётганидан, кам даромадли оилалар ғамхўрликлар билан қуршаб олинаётганидан ҳам кўриш мумкин.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ғузор туман партия кенгаши пленумида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши еттинчи пленуми якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Қашқадарё фаоллари билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда район партия кенгашининг биринчи котиби Абдураим Абдуллаев маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар жойларда иқтисодий ислоҳотни кучайтириш, Президент фармонларининг бажарилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ долзарб масалаларга эътиборни қаратдилар.

Пленумда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов, район ҳокими Яраш Нуруллаев сўзга чиқдилар.

**М. КАРОМОВ.**

## САНЪАТКОРЛАР МИРШАБЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида мамлакатимизнинг йирик фан, маданият ҳамда санъат арбоблари билан қизиқарли учрашувлар ўтказиш одат тусига кирмоқда. Яқинда вазирликнинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмат ходимлари Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий жамоаси билан учрашдилар.

Театр раҳбари, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов йиғилганларнинг саволларига жавоб бера туриб, бу ерда ўтказилаётган учрашув ички ишлар ходимларига маънавий озуқа беришини таъкидлади.

Учрашув сўнгида санъаткорларни Ўзбекистон Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов қабул қилди.

**А. СОДИҚОВ.**

## ЯНА КУМУШ МЕДАЛЬ

**Шахмат бўйича Ўзбекистон терма командаси Куала-Лумпур шаҳридан кумуш медаль олиб қайтди.**

Бу шаҳарда шахмат бўйича Осиё биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўн тўққиз мамлакат спортчиларининг беллашувида ўзбекистонлик шахматчилар Филиппин, Хитой, Индонезия, Ҳиндистон каби мамлакатлар спортчиларидан ўзиб кетдилар ва чемпионат ғолиби Қозоғистон командасидан атиги ярим очко орқада қолдилар.

Республикамиз терма командасини яна бир масъулиятли мусобақа кутмоқда. Шахматчиларимиз кузда Швейцарияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадилар.

**(ЎзА мухбири).**

● Сўз—фан арбобларига

# ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА ИСЛОҲОТ

**Республикамиз Президенти И. А. Каримов «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобида миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётимизга татбиқ этишнинг зарурлигини асослаб бердики, бу ҳаммамизга манзур. Президентимиз томонидан бешта принципнинг олдинга сурилиши бизни кўп муаммолар устида ўйлашга, мулоҳаза юритишга даъват этади.**

Энг аввало, иқтисодий сиёсат хусусида. Маълумки, жамият тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмасдан туриб биронта ўзгариш қилолмайди. Аниқ мазмунга эга бўлган тўғри сиёсатгина иқтисоднинг, яъни ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Нарх-наво сиёсатини олиб кўрайлик. Йиллар мобайнида республикамизнинг асосий бойлиги — пахтага сунъий равишда харид нархи паст даражада белгилаб келинди. Натижада уни кўпайтиришга манфаатдорлик сусайиб кетди. Даромад пасайганлиги сабабли пахтачиликка нисбатан эътибор сусайди. Бу эса ўз навбатида буйруқбозлик сиёсатини келтириб чиқарди. Бундай сиёсат пахтачиликни инқирозга олиб келди.

Бу сиёсат пахтачиликнинг илмий асосда ривожланиш қоидаларини чил-парчин қилди. Ҳосилдорлик камайиб кетди. Қарабсизки, пахта яккаҳокимлиги сиёсати вужудга келди. Бу ортиқча ер, сув ва маблағ сарфини талаб этиб, пахтакорларнинг турмушига салбий таъсир кўрсатди. Ниҳоят, бу иқтисодиётда юз берган хатоликни тузатиш республикамиз учун жуда қимматга тушди. Биринчидан, пахта майдонлари қисқартирилиб, уни тайёрлаш ҳажми анча камайтирилди. Бу эса ўз навбатида пахта мажмуига мослаштирилган барча халқ хўжалик тармоқларининг фаолиятига таъсир этиб, кераксиз сарф-харажатларни талаб этди. Иккинчидан, бўшаган пахта майдонларига экилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тармоқлари талаб даражасида тайёр эмасди. Шу туфайли улар тез бузила бошлади. Оқибатда жиддий исрофгарчиликка йўл қўйилди. Бу эса халқимиз даромадига ва руҳиятига сезиларли таъсир этди. Сиёсатнинг иқтисоддан устиворлиги республикамиз шароитига монанд бўлмаган тармоқларнинг директив асосида шаклланиши экология ва иқтисодиёт мувозанатининг бузилишига олиб келди. Чунки сув танқислиги ва меҳнат захираларининг тез ўсиши шароитида, масалан, кимё саноатининг айрим тармоқлари ҳиссасини кўпайтириш салбий оқибатларга олиб келди.

Айни бир пайтда республикамиз хом-ашё базасида юқори самара берадиган тўқимачилик саноати энг орқада қолган тармоқлардан бири бўлиб қолди. Бундай сиёсат ҳам республика манфаатига зид бўлиб, собиқ СССР иқтисодига ҳам қисман зарар келтирар эди. Бунинг устига пахта толасига белгиланган улгуржи нархни ва уни ташишга белгиланган транспорт тарифининг ниҳоятда пастлиги пахтани ташқарига ташиб кетишнинг самарасини сохта равишда ошириб, узоқ жойдаги пахта истеъмолчиларига ниҳоятда қўл келар эди. Шу тарзда иқтисодиётда мустамлакачилик аломатлари сақланиб қолаверди. Марказнинг иқтисодий сиёсатида тутган мудҳиш роли қандай бўлмасин, республикаларнинг мамлакат иқтисодига қўшган ҳиссасини камайтириш билан иттифоқнинг «боқимандаси» деб камситиш ва уларга шу йўл билан тазйиқ ўтказиш эди. Бундай сиёсат республикаларни, айниқса, хом ашё етказадиган Марказий Осиё республикаларининг иттифоқ сиёсатидан норозилигини туғдирди ва унинг парчаланиши сабабларидан бири бўлди.

Давлат асосий ислоҳотчи бўлиши зарурлиги хусусида баъзи мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Маълумки, ижтимоий жамиятда юз бераётган силжишларга давлат бефарқ қараб туриши мумкин эмас. Чунки воқеалар белгиланган маромдан четга чиқиб кетса жамиятга талофот етиши ҳеч гап эмас. Айниқса, бундай воқеалар бозор тизимига ўтиш даврида содир бўлиши мумкин.

Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнини олайлик. Бу соҳани давлат аниқ дастур асосида ўз назоратига олмаса, баъзи кишилар мулкни хусусийлаштириш ниқоби остида уни ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин. Шундай воқеалар юз берди ҳам. Айрим ҳокимликларда биноларни хусусийлаштиришда арзон-гаровга сотишлар, фарқини мансабдор шахслар ўзлаштирганликлари каби ҳоллар юз берди.

Маҳсулотларга нарх-наво белгилашда ва харид этишда «юлғич»лик ҳатти-ҳаракатлари сезилмоқда. Албатта, бундай иллат янгилик эмас. Чунки бу тоталитар тузумнинг мевасидир. Бундайлар учун эндиликда «бозор» жуда кўп қулайликлар яратди. Ва, бундай кимсалар ундан уддабуронлик билан фойдаланмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси бозорга нисбатан кишиларда нафрат уйғотмоқда ва иқтисодий ислоҳот сиёсатини ўтказишга ҳалақит бермоқда. Воқеаларнинг бундай йўналишига йўл қўймаслик учун Президентимизнинг амалга ошираётган қатор тадбирлари таҳсинга сазовор. Бинобарин, мамлакатни бошқариш учун тузилган ҳар қандай давлат халқ осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш учун курашиши керак.

Мустақиллик сиёсий жиҳатдан тўла эркинлик берса ҳам иқтисодий жиҳатдан уларнинг бир-бирига боғлиқлиги маълум давргача сақланиб қолади.

Хуллас, бозор тизимига ўтиш ва мослашиш маълум даврни талаб этади. Ва сарф-харажатсиз бўлмайди, албатта.

Хўш, қонунларнинг устиворлигини нималарда кўриш мумкин? Маълумки, ҳар қандай жамият ўзига хос қонунлар асосида таркиб топади ва ривожланади. Бинобарин, қонунчилик тушунчаси жуда кенг. Жамиятнинг ва унинг фуқароларининг турмуш тарзини белгиловчи мезондир.

Ривоятларда баён этилишича, одамзот яратилгунга қадар дунёни бошқариш аввало қушларга, девларга, жинларга ва фаришталарга топширилган экан. Лекин уларнинг ҳаммаси илоҳий қонунларга итоат этмаганликлари туфайли ҳалокатга учраган экан. Сўнгра жамиятни бошқариш ҳамма мавжудотларнинг улуғи этиб одамзодга топширилган экан. Инсон таркиб топган қонунларга итоат этиб жамиятнинг покланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшади. Аммо инсоннинг айрим табақалари мавжуд қонунларга, пайғамбарларга хиёнаткорона иш тутиб, жамоаларнинг хароб бўлишига, жамиятларнинг, инқирозга учрашига сабабчи бўлганлар.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаролик жамияти ўз халқи манфаатини ифода этадиган мукаммал қонунга эга бўлиши зарур. Ўз навбатида мустақил давлатларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи конституцияси бўлиши шарт. Худога шукур, биз ана шуларга эришдик.

Республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири— ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини изчиллик билан амалга оширишдан иборат. Бунинг заминида, энг аввало, самарадорлик асосида ёритиладиган иқтисодий имконият ётади. Лекин тоталитар тузум пайтида республиканинг иқтисодиёти марказ манфаатларига мослаштирилганлиги туфайли колониал принциплари асосида таркиб топган эди. Яъни, у хом ашё етказиб бериш манбаига айлантирилган эди. Шу боисдан иқтисодиёт ижтимоий муаммоларни тўлароқ ҳал қилишга қодир эмас эди. Маълумки ижтимоий масалаларни ҳал этиш манбаи одатда шу мамлакатда жон бошига етиштирилган миллий даромад миқдори билан ўлчанади. СССР парчаланишига қадар бу кўрсаткич тўқсонинчи йилда 2110 сўмга баробар бўлса, Ўзбекистонда атига 1110 сўм эди, холос. Шунга биноан қатор ижтимоий эхтиёжларнинг таъминланиши ҳам республикада Иттифоқникидан қарийб икки баробар кам бўлиб келган. Булар эса республикамизнинг илдам қадамлар билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатди ва инқироз ҳолатга олиб келди.

Мамлакатимизда ойликлар, пенсиялар ва стипендияларнинг сурункасига бир неча бор оширилиши ижтимоий ҳимоялашда муҳим бир силжишдир. Айниқса, шу йил июндан бошлаб озиқ-овқат молларининг айрим турларига нархларнинг икки баравар оширилиши туфайли ойлик маошларни 2,5 бараварга кўтариш ва тариф ставкаларининг оширилиши меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг ёрқин ифодаси бўлди. Академия аъзоларининг илмий унвонларига тўланадиган гонорарларнинг кескин кўтарилиши, республика фахрий унвонларига ҳақ тўлашнинг жорий этилиши мамлакат раҳбариятининг илм-фан ривожига бўлган самимий эътибори ва илм аҳлига ғамхўрлигидир. Демак, кучли ижтимоий сиёсат халқимизнинг асл манфаатларини ифода этади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг афзалликлари нимада? Бозор иқтисодиёти йиллар мобайнида шаклланади. Бу мураккаб жараён марказлашган режали тизимда янги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бир қатор қийинчиликлар туғдириши аниқ. Шу боис бозор муносабатларига ўтишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслиги, унга босқичма-босқич ўтиш зарурлиги ва у ягона, ҳақиқий йўл эканлигини тўғри фаҳмлаб етишимиз зарур. Лекин айрим сиёсатдонлар ҳар хил синовдан ўтмаган, бизнинг шароитимизга тўғри келмайдиган ғайри-табиий фикрларни, яъни қандай бўлмасин, бозор тизимига ўтишни тезлатиш учун ҳукуматга тазйиқ ўтказмоқчи бўлдилар. Россияда чала-чулпа ишланган «100», «500» кунлик бозор дастурини сунъий равишда республикамизга татбиқ этишга даъват этдилар.

Президентимиз бундай иғвогарликларга учмади. Ва республикамизни иқтисодий ҳалокатдан сақлаб қолди.

Мамлакатимизда бозорга ўтиш даврида таркиб топган осойишталик, тинчлик ва барқарорлик танланган йўлнинг бағоят тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди.

Эндиги вазифа республикамизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини мустаҳкамлаш борасида тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Юқорида зикр этилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: Президентимиз раҳбарлигида республикамизнинг иқтисодий ислоҳот соҳасида ўзига хос йўли яратилмоқдаки, у аҳолининг манфаатларига тўла монанд келиб, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ривожланган давлатлари даражасига кўтаришга имкон яратади.

**Иброҳим ИСКАНДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти.**

● ФАКТ ВА ШАРҲ

# ОМАДИНГИЗ КЕЛСА, АЖАБМАС

**Бугун Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмининг навбатдаги тиражи ўйналади.**

**Мустақил Республика ҳаётидаги бундай ўзига хос воқеани Ўзбекистон Республикаси жамғарма банкининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Фотима ЖУМАМУРОТОВАдан шарҳлаб беришни илтимос қилдик.**

— Ҳақиқатан ҳам бундай байрамни ташкил этиш ҳам фахрли, ҳам масъулиятли. Боиси, заём тиражининг навбатдаги ўйинлари Нукус шаҳрида биринчи марта ўтказилмоқда. Албатта, бунга аввалдан ҳозирлик кўрганмиз. Хусусан, ана шундай тираж ўйинларини ўтказиш бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга ва ўрганишга эътиборни қаратдик. Хайрли ишда кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этган вазирликлар, маҳкамаларнинг раҳбарларини ташкилий гуруҳни шакллантиришга жалб этганмиз.

Заём тиражларини навбатдаги ўйинларини уюштириш шунчаки расмий тадбиргина бўлиб қолмай, айни пайтда Ўзбекистон, қолаверса Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ижтимоий ҳаётида муҳим воқеага айланиши табиий. Боиси, бир йил аввал республика Вазирлар маҳкамасининг қарорида қайд этилганидек, заём облигацияларини аҳоли ўртасида тарқатиш ҳозирги шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилади. Бундан ташқари, 12 фоизли давлат заёмларининг тарқатилиши ёш мустақил республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш омилларидан саналади.

Кўпчилик ютуқли бундай заёмларни олиш билан ҳар тарафлама фойда қилишлари мумкин эканлигини эътироф этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон ҳудудидаги жамғарма банки бўлинмаларида қарийб 270 миллион сўмлик облигациялар тарқатилгани ҳам шундан далолат. Ютуқли заёмлар муддати 2012 йилгача мўлжалланган.

Заём облигацияларини тарқатилгани ҳам шундан га молик ишдир. Шунинг учун ҳам бундай юмушлар доимий назоратда туради. Шу муносабат билан облигациялар бўйича йиғиладиган фойданинг жами ютуқ шаклида тўланишини эслатиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Ютуқларнинг умумий ҳажми ўртача йилликка нисбатан 12 фоиз ҳисобида белгиланган. Низомга мувофиқ заём ўйинлари тиражи йилнинг ҳар чорагида мунтазам ўтказилади. Ана шундай тиражлардан бири Нукус шаҳрида бошланади. Бундай тадбир учун санъат саройи танланган. Тираж ўйинларини байрамона тусда ўтиши учун маданий-оммавий, томошаларга бой дастур тайёрланган. Эрта тонгданоқ санъат саройи атрофида меҳнаткашларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари ташкил этилади. Шунингдек, савдо ярмаркаси, кўргазмала театрлаштирилган томошалар бўлади.

Тираж ўйинлари ўтказиладиган залга кириш эркин. Ўйлайманки, навбатдаги тираж ўйинлари ҳам воқеаларга бой бўлади.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**● Бухоро шаҳар ҳокими Убайдулло Носиров яқинда ота-онасиз қолиб, васийлар қўлида тарбияланаётган болаларнинг катта гуруҳини қабул қилди.**

Уларнинг ҳар бирига 2 минг сўмдан ёзилган омонат дафтарчалари топширилди. Шаҳардаги 20 ногирон болага қиймати 38 минг сўм турадиган аравачалар ҳадя этилди.

Шаҳарнинг Сомонийлар боғида эса камдаромадли оилалар 21 фарзандининг суннат тўйлари ўтказилди. Зиёфат маросимига ҳомийлик қилган меҳнат жамоалари болаларга қимматбаҳо совғалар тақдим қилишди.

### ҲАМ КОРХОНА, ҲАМ ЧОЙХОНА

**● Қоракўл шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида миллий услубда безатилган икки қаватли чойхона қурилди.**

Уни 187-кўчма механизациялашган колонна меҳнат жамоаси бунёд қилди.

Бинонинг иккинчи қаватида қариялар чой ичиб ором олишса, биринчи қаватида зардўз қизлар меҳнат қиладиган бўлишди.

**Н. НАИМОВ.**

### АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

**● Республика Президентининг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Фармонлари асосида Яккабоғ туманида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.**

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай 24 километр газ ва 45 километр сув қувурлари ётқизилиб, фойдаланишга топширилди.

Тумандаги «Қизил Юлдуз», У. Мирзаев номли, Амир Темур номли жамоа хўжаликларидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди. Мазкур хўжаликларда аҳолини табиий газ билан таъминлаш ишлари ҳам қизғин бормоқда.

**М. КАРОМОВ.**

### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Ўзаро ҳамкорлик — жамиятни ривожлантириш ва моддий фаровонликни юксалтиришнинг муҳим шартларидан бири эканлигини кундалик турмушимиз ёрқин исботлаб бермоқда.**

Хоразм вилоятида ҳам ҳаётий бу заруратга оғишмай амал қилинаётир. Айни пайтда бу ерда ўнлаб ҳамкорлик муассасалари ва корхоналари, жамият ва ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда улар сафига бугунги кунда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган «Хоразм — Подольск» савдо хизмати кўрсатиш жамияти ҳам қўшилди.

Ҳамкорлик қонунларига биноан белгиланган шартнома асосида иш олиб борадиган бу жамият хоразмлик харидорларга Россиянинг «Подольск» концернида ишлаб чиқариладиган маиший ва ишлаб чиқариш-тикув машиналарининг барча турларини етказиб беришга, уларнинг яхши ишлаши ва ремонтини таъминлашга яқиндан кўмаклашади.

**Э. МАДРАҲИМОВ.**

● ТЕЖЕН—САРАХС—МЕШХЕД ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНГА ЭЛТУВЧИ ДАРВОЗА

**ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ҚУМЛИГ-У ДАШТ КЕЧИБ ТЕЖЕН—САРАХС—МЕШХЕД ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШАЁТГАН ХОРАЗМЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАР ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ**

Ёмғир қуйиб борарди. Ҳаммаёқни халқоб сув босиб, боягина қир бағрини безаб турган лолақизғалдоғ-у, ўт-ўланлар лойқага белана бошлади.

— Бу ерларнинг ҳавоси нобоп. Тез-тез ўзгариб туради,— дейди ҳамроҳимиз, ўттиз беш ёшлардаги узун бўйли, орикдан келган йигит Давронбек Тожибоев. — Айниқса мана шундай ёғингарчиликдан кейин ҳаммаёқ ботқоқликка айланади. Ишлаш қийинлашади. Лекин ўрганиб кетдик...

Қир оралаб Тежен — Сарахс темир йўли излари учун ,тупроқ уяётган қудратли тракторлар наъра тортганларича ишни давом эттиришарди. Уларни бошқараётган алп қомат йигитларни кузатаман. Бариси ўттиз-қирқ ёшлардаги, юз-кўзлари дашт шамоли-ю, аёз изғиринидан хийла қорайган бақувват йигитлар. Улар ўтган йил бошидан бери бу атрофларнинг мураккаб шароитларига кўникиб кетишган. Кучли ёмғирга парво қилишмай, машиналарни моҳирлик билан бошқаришар, баландликка ўрмалаб чиққан скрейперлардан дамба устига пайдар-пай лой аралаш тупроқ тўкиларди.

— Бундай шароитда дамбага тўкилган тупроқ қўшимча ишловларсиз ҳам қаттиқ зичлашади, — дейди қирқ ёшлардаги қирчиллама йигит Бахтиёр Самандаров курткаси ёқасини хийла кўтараркан. — Лекин бу ёмғирли ҳаводa техникани ҳам узоқ ишлатиб бўлмайди. Моторга зўр тушади. Бир ишкал чиқса, ҳозирги шароитда эҳтиёт қисм топиш амримаҳол.

Қаранг-а, тракторнинг бир шинаси юз минг сўм-а!

У олис уфққа — еру кўкни қоплаётган қора булутларга кўз югуртирди-да, Тожибоевга юзланди:

— Давронбек, ёмғир бу яқин орада тинадиганга ўхшамайди. Йигитларга айт, ишни тўхтатишсин. Пешин ҳам бўлиб қолди.

Давронбек «Хорезмсовхозстрой» трестига қарашли механизациялашган 6-кўчма колоннанинг темир йўл қурилишида участка прораби экан.

Бирпасдан кейин кенглик узра зўриқиб ишлаётган мотор овозлари тинди. Шаррос ёмғирнинг халқоб сувга урилиши, ҳаво авзойининг ўзгаришидан норози йигитларнинг узуқ-юлуқ гаплари қулоққа чалинарди. Йигитлар эгниларидаги камзул, пахталикларини бошларига пана қилганларича бир чақиримлар нарида тизиб қўйилган вагон-уйлар томон йўл олишди. Ошхона жойлашган уйларнинг биридан палов ҳиди таралар, деразадан чойдўшларга чой дамлаётган ошпаз йигит кўринади.

Овқатдан кейин йигитлар билан танишиб олдик. Баланд бўйли, чайир, забардаст йигит — Жуманазар Абдримов трассада ишлаётган механизатор — скрейперчиларнинг энг тажрибалиси ҳисобланаркан. У кўчма колонна йигитлари билан бирга темир йўл қурилиши бошланган ўтган йилнинг бошларидан бери шу кенгликларда ишлайди. Бир неча марта меҳнат баҳсида ғолиб чиқиб, суратини «Останкино» телеканали орқали кўрсатишди,- Туркманистон рўзномаларида чоп этишибди.

Унинг ҳамкасб дўстлари Қаландар Раҳмонов, Комил Хўжаев, Шохназар Қурбоновларни ҳам қурилиш трассасида кўпчилик танийди. Шу фидокор йигитларнинг самарали меҳнатлари туфайли темир йўл қурилишида колонна зиммасига юклатилган вазифалар ҳар қандай шароитда ҳам ошириб, сифатли бажарилаётир.

Кеч пешинга қараб булутлар хийла сийраклашиб, ёмғир ҳам тинди. Шамол эса бошлади. Сув халқоблари ерга сингиб кетяпти. Йигитлар тракторлар томон йўл олишди.

— Ана энди ишлайдиган ҳаво бошланаётир, — деди Жуманазар эгнига қуриган курткасини кияркан. — Тупроқ тезроқ селгиб кетса, кундузги тўхташнинг ўрнини кечгача ишлаб қоплаб юборамиз...

Биз ҳам Бахтиёр Самандаров билан икки-уч кун олдин кўтарилган тупроқ дамбалари томон кетдик. Кенг қир бўйлаб бораётирмиз. Кучая бошлаган шамол ерга қайишган лолақизғалдоғу, ўт-ўланлар қаддини тиклаб, чайқалтириб атроф-теваракни яна гўзалликка буркаётганди. Бахтиёр Хоразм тресги бошқарувчиси муовини, вақтини асосан шу ерларда — темир йўл қурилишида ўтказади.

Унинг мароқли ҳикоясини тинглаб бораман.

— Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари Тежен — Сарахс — Мешхед темир йўлини қуриб Эрон, Туркия, Форс кўрфази давлатлари билан иқтисодий алоқани кучайтиришга келишганларидан кейин бу темир йўл қурилиши бошланди. Изларга тупроқ кўтариш, қурилиш ишлари бўйича бизнинг трестимиз бош пудратчи қилиб белгиланганини Хоразм қурувчилари ўзлари учун шараф ва катта масъулият деб билишмоқда. Ишончни оқлаш учун фаол ҳаракат қилаётирмиз.

Ўтган йилнинг саккизинчи январида кўч-кўронимиз билан келиб Жўжиқли темир йўл бандаргоҳи ёнгинасидан иш бошлаб юборган эдик. Бу ер Ашгабат — Москва, Тошкент—Тожҳовуз катта темир йўлининг бир станцияси бўлиб, кун-у тун поездлар ўтиб турарди. Шу атрофларда истиқомат қилувчи аҳоли бошлаган ишимизни — келажакда бу ер халқаро бандаргоҳ бўлишини маъқуллаб кутиб олди Биз билан ёнма-ён Амударё сув бассейни (БВО), «Хорезмводстрой» тресги бўлинмалари ҳам иш бошлаб юборишди.

Яйдоқ қир қиши қаттиқ келди. Музлаган ер, уззукун тўхтамайдиган шамол қум-у чангтўзон, хийла қийнар, лекин йигитлар нолишмас, шундай олис жойга яхши ният билан келгандан кейин унумли ишлаш зарурлигини тушунишарди. Кейинчалик станцияни тинчлик — тотувлик қарор топаверсин деган маънода «Парахат» деб номлашди. Ҳозир у ерда «Қаршимелиострой» тресги бунёдкорлари замонавий станция биносини тиклашяпти. Ҳозиргача ўттиз километрли масофага пўлат излар ташланди, поезд юриб ўтди.

...Кўз олдимизда олисларга чўзилиб кетган, ниҳоятда равон кўтарилган, шиббаланган тайёр трасса ястаниб ётарди.

Яқинда трассага Туркманистон темир йўли бошлиғи Худойгули Холиқов келди. У темир йўл қурилишининг бир гуруҳ етук мутахассислари билан қарийб 10 километрли масофани пиёда юриб кўздан кечириб чиққач, хоразмлик қурувчи йигитлар ишидан чуқур қониқиш ҳосил этганини, уларга бундан буён ҳам катта буюртмалар борлигини айтди.

— Бу темир йўл лойиҳасини ким тайёрлаган?

— «Ташгипротранс» ташкилоти. Лойиҳанинг бош муҳандиси Склюев, катта мутахассис, лойиҳа талабларининг бажарилишини зийрак назорат қилиб бораяпти.

Трасса бўйлаб шиббаланган текис тупроқ узра борардик. Ҳамроҳимдан кўпроқ нарса билиб олиш мақсадида сўрабсуриштираман:

— Бахтиёр, темир йўл қурилишида қанчалик иш бажарилгани, умуман бу йўлнинг аҳамияти билан таништирсангиз.

— Тежен — Сарахс оралиғи 135 километр. Ҳозиргача қарийб 100 километрли масофада тупроқ кўтариш ишлари бажарилди. Туркманистонлик қурувчилар 30 километрли масофага темир излар ётқизишди. Ҳовузхон, Қорақум каналларига темир йўл кўприги қуришга киришдилар. Ҳозир шу ерда — Сарахс тумани маркази атрофиларида ишлаяпмиз. Манзил жуда яқин. Чегаранинг нариги томонида Эрон қурувчилари Мешҳедгача бўлган йўлни барпо этишмоқда.

Тун. Тўлин ой кунчиқар томонга жадал сузиб бораётган паға-паға булутларни ёритади. Шамол вагон-уйлар деворларига урилиб, гувуллайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг яқинда мамлакат ёзувчилари билан бўлган учрашувдаги гапини эслайман. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқадиган 3 та дарвозаси бўлади. Шулардан иккинчи дарвоза Туркманистон ва Эрон ҳудудлари бўйлаб Туркия ва Форс кўрфазига элтадиган темир йўлдир. У 1995 йилда ишга туширилади.

Султон НОДИРМАТОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 29 ИЮНДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

# Амир Темур ҳайкалини яратиш бўйича ташкилий қўмита рўйхати

**Фозилбеков А. И.** — Тошкент шаҳар ҳокими, ташкилий қўмита раиси

**Салоҳиддинов М. С.** — ЎзФА президенти

**Матчонов О.** — Президент девони етакчи маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ шоири

**Ҳайитбоев Э. Қ.** — маданият ишлари вазири

**Искандаров И. Н.** — «Ўзбқурилишматериаллари» концерни раиси

**Қодиров П.** — Олий Кенгаш қўмитаси Раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Воҳидов Э.** — Олий Кенгаш қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири

**Ёқубов О.** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Орипов А.** — Ўзбекистон халқ шоири

**Ашрафий Ф. М.** — Меъморлар уюшмаси раиси

**Аҳмедов Р.** — Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси

**Расулов М.** — Тошкент шаҳрининг бош меъмори

**Юсупов Р. Г.** — Тошкент шаҳрининг бош рассоми

**Саркисов П.** — «Тошкентқурилиш» бошлиғи ўринбосари

**Зуфаров М. З.** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Шапиро Я. И.** — ҳайкалтарош

**Қосимов Т.** — ҳайкалтарош

**Қодирова Т.** — меъмор

**Пак В.** — ҳайкалтарош

**Миртожиев Р.** — ҳайкалтарош

**Қаюмов Х. И.** — Самарқанд шаҳрининг бош меъмори

**Мустафоев М.** — Шаҳрисабз шаҳрининг бош меъмори

**Аҳмедов Б.** — тарих фанлари доктори, профессор

**Аҳмедов А.** — тарих фанлари доктори, профессор, шарқшунослик институти бўлим мудири

**Ўринбоев А.** — тарих фанлари доктори, шарқшунослик институти бўлим мудири.





**Оқолтин районидаги «Сардоба» фермасида чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ярим бузилган, зарар билан ишловчи ферма қисқа муддатларда таъмирланди. Бу ерда сув қувурлари янгиланиб, янги техника билан жиҳозланди. Ферма майдони асфальтланди. Хуллас, мазкур ферма қайта туғилди. Бу хайрли ишларни амалга оширишда район ҳокимияти катта ёрдам берди.**

**Эндиликда фермада 680 бош қорамол меҳр билан парваришланмоқда. Молларга етарли озуқа, ем-хашак ўз вақтида етказиб берилаётир.**

**Молбоқарлар Покиза Ойдинова ҳамда Жалила Абдухолиқовалар фермада ибрат бўларли ишларни амалга оширишмоқда. Чунончи, уларнинг ҳар қайсиси ўз боқимидаги 40 бош бузоқни меҳр билан парваришлаб, жамоа ютуғига баракали улуш қўшмоқдалар.**

**СУРАТДА: 1. Ф. Ойдинова ҳамда Ж. Абдухолиқовалар. 2. Молбоқар Ҳ. Ниёзов.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# RICHMOND
## KING SIZE

*Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:*

Тошкент шаҳри,
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).
"Табани групп оф компаниз"

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз:
*"Мунис" ЛТД,*
*"ХЕСО" ЛТД,*
шунингдек
*"ФРИЯ"* фирмалари.

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Telephon. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

*Бош бошқарувчиси Аббосхон*




*Чекиш соғлиғингизга зарардир!*


УЗБЕКБИРЛАШУВ

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

1993-94 УҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### КУНДУЗГИ БУЛИМГА

1. Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш.

2. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида иқтисодиёт ва бошқарув.

3. Халқаро иқтисодий муносабатлар.

4. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги.

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги.

6. Умумий овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш технологияси.

7. Консервалаш технологияси.

Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Абитуриентлар учун консультациялар 25 июндан 30 июлгача ўтказилади.

Институтнинг қабул комиссиясига ректор номига ёзилган ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— ўрта ёки ўрта махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— 3x4 см ўлчамли 6 дона фотосурат;

— 086/У. шаклидаги тиббий маълумотнома;

— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат абитуриент томонидан шахсан кўрсатилади.

### ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚУЙИДАГИ ПРЕДМЕТ БЛОКЛАРИ БУЙИЧА УТКАЗИЛАДИ

1. Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида иқтисодиёт ва бошқарув, халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассисликларда: чет тили, математика, она тили.

2. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги, озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги, умумий овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш технологияси, консервалаш технологияси мутахассисликларида: табиий фанлар, математика, она тили.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЛАБА ТАНЛОВ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН 31 ИЮЛДА БЎЛИБ ЎТАДИ.

Абитуриентлар ҳужжатлари ва тест синовлари қуйидаги манзилгоҳларда қабул қилинади ва ўтказилади: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси 9-уй.

Кооператив институт — Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа республика абитуриентлари учун.

Хоразм вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви биносида Хоразм вилояти ва Туркманистон Республикаси абитуриентлари учун.

Фарғона кооператив техникуми биносида — Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қирғизистон Республикаси абитуриентлари учун.

Нукус кооператив техникуми биносида — Қорақалпоғистон Республикаси абитуриентлари учун.

Тошкент кооператив техникуми биносида — Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Қозоғистон Республикаси абитуриентлари учун.

Институтда талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг 1 курсларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари ҳақида НИЗОМ» асосида қабул қилинади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Самарқандда 33-38-72, 33-06-92.

Хоразмда 6-90-61.

Фарғонада 4-54-23.

Нукусда 7-25-27, 7-65-28.

Тошкентда 63-74-40.

## САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИГА ОЛИНГАН МУҲОФАЗА ҲУЖЖАТЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорига биноан саноат мулки объектларига олинган собиқ СССР муҳофаза ҳужжатларини алмаштириш муддати 1994 йил 1 январигача узайтирилганлигини Республиканинг ва бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига маълум қилади.

Шунингдек, СССР Давлат патент идорасининг муҳофаза ҳужжатини бериш хусусидаги қарорларини Ўзбекистон Республикаси патент ва гувоҳномаларига алмаштириш муддати ҳам кўрсатилган муҳлатгача узайтирилади.

1991 йил 24 декабрдан амал қилиш муддати тўхтатилган маҳсулот ва хизмат белгилари эгаларига ҳам 1994 йил 1 январгача СССР гувоҳномаларини Ўзбекистон Республикаси гувоҳномаларига алмаштириш ҳуқуқи берилади.

Маълумотлар учун телефон: 32-34-00, 33-71-68.
Факс: (3712) 33-45-56.
Манзилгоҳ: 700047, Тошкент, Ю. Фучик кўчаси, 2-а уй.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 2 июлда чиқади).

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳрир ҳайъати ва жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Абдулла УРАЗАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриётнинг собиқ ходими, таржимон, журналист, кекса ношир

**Абдулла УРАЗАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси шу институтнинг собиқ ўзбек тили методисти, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдуғани Раҳимовга ўғли

**Бахтиёр РАҲИМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликнинг муҳосаба ҳисоби, ҳисоботи ва таҳлили бошқармаси бошлиғи А. А. Абдураҳимовга отаси

**Абдусалом АБДУРАҲИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85; Қаршида — 3-25-79;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда — 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01;
Навоийда — 3-74-76; Фарғонада — 6-37-16.
Нукусда — 2-42-62;
Навбатчи муҳаррир: А. РЎЗИЕВ.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.50.
Г—274. № 120.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6